

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 19 ноябрь • сешанба № 44 (884)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,  
Сизнинг  
ҳимоячингиз,  
Сизнинг  
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдида

## Ҳаётимиз Қомуси тарғиботига бағишланади

МАМЛАКАТИМИЗДА Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма бир йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, қорхона ва ташкилотлар ҳамда олий ва ўрта махсус, халқ таълими муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, шунингдек, улар орқали мажкур идораларнинг қуйи тизимларига “Конституция-мизнинг яратилиш тарихи”, “Ўзбекистон конституциявий давлат қуриш йўлида”, “Конституция ва фуқаролик жамияти”, “Конституция ва иқтисодиёт: Ўзбек модели”, “Конституция ва ҳуқуқий маданият”, “Конституция ва маънавият”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хорижий таълимни нигоҳида”, “Конституция ва Концепция — узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиямиз”, “Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури”, “Конституция-мизнинг тарихий аҳамияти” мавзулари бўйича тарғибот материалларини тайёрлаш ва етказишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу ўринда Конституция нормаларини кўргазмалар тарзда тушунтириш юзасидан барча таълим муассасалари ўқувчи-талабалари учун “Конституциявий ҳуқуқ асослари” номли плакатлар тайёрлаш, “Инсон ҳуқуқлари” дарслигини кўп миң нусхада чоп этиш ва тарқатиш, шунингдек, “Ҳуқуқий билимлар” ўқув-масхулафларида Конституциянинг ҳар бир бобини бевоқиф ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ва амалий

ифодасини соҳалар бўйича малакали мухассисларни жалб этган ҳолда ўрганилишини ташкил этиш назарда тутилган.

Адлия органлари ва муассасалари томонидан “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзусидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ўтказилиши бу борадаги ишлар самарасини янада оширишга имкон беради.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигининг ва ҳудудий адлия органларининг “Тарғибот гуруҳлари” томонидан “Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури” ҳамда “Конституция — менинг тақдиримда” мавзулари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳалла, қорхона, муассаса ва идораларда анжуманлар ўтказиш, давра суҳбатлари уюштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Конституция тарғиботи юзасидан “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари иштирокида ўтказиладиган “Эртадан бугундан бошланади” мавзусидаги учрашувлар, албатта, йигилиш иштирокчиларини бефарқ қолдирмайди. Бош қомусимизнинг бағрикенглик таъминлашдан келиб чиқиб, “Мурувват уйлари”да “Хайр-саховат ўзбекона фазилат” мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Яна бир муҳим гап. Мактаб ўқув-

чилари ўртасида “Конституция-миз — бахтимиз пойдевори” шиори остидаги кўрик-танловнинг ҳудудий ва республика босқичларини, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида эса “Тафаккур синовлари” кўрик-танловининг республика босқичини ўтказиш кўзда тутилган.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, “Тафаккур синовлари” кўрик-танловининг саралаш босқичлари жорий йилнинг апрель ойида ўтказилган бўлса, унинг ғолибларидан ташкил топган 5 та гуруҳ эса май ойида ҳудудий босқичларда қатнашди. Унда совринни қўлга киритган Тошкент давлат юридик университетининг “Адолат”, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Шарқ нури”, Самарқанд давлат университетининг “Улуғбек ворислари”, Ўрганч давлат университетининг “Ал-Хоразмий ворислари”, Фарғона давлат университетининг “Сарбон” жамоалари жорий йилнинг 22 ноябрь куни кўрик-танловнинг республика босқичида куч синашди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда Конституция нормаларини кенг тарғиб этиш мақсадида ОАВда “Фаровон ҳаётимизнинг мукамал дастури” мавзусида соҳа мутахассислари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг чиқишлари уюштириладики, бу тарғибот тадбирлари кенг жамоатчилик эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлаймиз.

Бобур КАРИМОВ,  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими

Долзарб мавзу

## Янгича назар: Энергетика ва қонун

ёхуд соҳанинг ҳуқуқий асослари

ҲОЗИРГИ пайтда инсоннинг рисоладагидек яшаши учун бир қатор омиллар, жумладан, барча табиий ресурслар ва энергиядан оқилона фойдаланиш, энергетика ҳамда экологик хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

БУГУНГИ кунда йилга табиий ёқилғи ишлатиш дунё бўйича 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келади (тахминан бир кишига 2 тонна). Органик ёқилғига бўлган эҳтиёж келажакда ҳам жадал ўсиб боради. Қазиб олинаётган нефть, табиий газ, кўмир ва уран ҳозирги вақтда дунёда асосий энергия манбалари ҳисобланади. Бироқ уларнинг захираси камайиб бормоқда. Олимларнинг тахминларича, дунёда қазиб олинаётган нефть яна 45-50 йилга, табиий газ 70-75 йилга, тош кўмир 165-170 йилга, кўнгир кўмир 450-500 йилга, ядро энергияси захиралари эса ундан кўпроқ йилларга етиши мумкин экан.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бунинг сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”.



Сайлов бошланди

## Ўзини ўзи бошқаришнинг анъана ва қадриятларга хос усули



ИСТИҚЛОЛ йиллари фуқаролик жамиятининг чинакам қарор топиши ва жадал ривожланиши даври бўлди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари сони бир неча мартабга ошди, уларнинг фаолият доираси кенгайди. Бугунги кунда, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 6,5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари, 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда.

ЎЗИНИ ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули — маҳаллаларнинг жамиятдаги нуфузи ва обрўсини ошириш, ваколатларини кенгайтириш, иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, тарбиявий ва маънавий аҳамиятини ошириш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ — 1992 йил 12 сентябрда Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини асраш ҳамда бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатларида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ташкил этилиши маҳаллаларимизга эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Адлия аралашгач...

## Даъво ариза

суд томонидан қаноатлантирилди

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Пскент шаҳрида яшовчи фуқаро З.Ўсуповнинг 2012 йилда ишлаган даври учун маош ололмаётганлигидан норози бўлиб, бошқармага қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

“ТОШКЕНТ иссиқлик манбаи” ИЧБ Олмалиқ шаҳар филиалидан олинган маълумотларга кўра, 2-сонли картотека бўйича қорхонанинг ҳисоб рақамига тушган маблағлардан фақат 8 фоизи ходимларга маош тўлашга йўналтирилиши белгиланганлиги сабабли, 2013 йил 1 февраль ҳолатига ишчи-ҳодимлар маошларидан қарздорлик вужудга келганлиги аниқланди.

Тошкент иссиқлик манбаи” ИЧБдан Олмалиқ шаҳар филиали ходимларининг манфаатини кўзлаб иш ҳақидан бўлган жами 48.750.916 сўм қарздорликни ҳамда етказилган 560.000 сўм маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатлар тўпланиб, фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судига 29 та даъво ариза киритилди ва суд томонидан қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, Янгийўл туманида яшовчи О.Сериқбоевнинг турмуш ўртоғи Б.Абдуқодировдан ҳамда Чиноз туманида яшовчи М.Тўйчиевнинг турмуш ўртоғи У.Қурбоновдан алимент ундириб беришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб қилган мурожаатлари ҳам ижобий ҳал этилди. Яъни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига даъво аризалари киритилган, суд томонидан бу масала ҳам қаноатлантирилди.

Зоҳид САРАБЕКОВ,  
Тошкент вилояти адлия бошқармаси  
масъул ходими

Тилсиз ёв

## Дикқат: “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”

“ХУРМАТЛИ ҳамюртлар! Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бирмунча ортиб бориши билан ёнғин хавфининг ҳам кескин қўпайиб боришига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрга қадар Республика миқёсида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — “иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ қолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”, — деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлашмики, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирининг фаол иштирокчисига айлانسиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси



“INSON VA QONUN”  
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!  
Обуна нарxi — 137.  
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz  
Тел/факс: 233-84-50



“HUQUQ VA BURCH”  
ижтимоий ҳуқуқий журналга обуна бўлинг!  
Обуна нарxi — 902.  
e-mail: info@huquqburch.uz  
Тел/факс: 233-21-93



“Adolat”  
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!  
Обуна нарxi — 940.  
e-mail: adolat@minjust.gov.uz  
Тел/факс: 233-67-65



“LexUZ”  
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!  
Обуна нарxi — 940.  
e-mail: adolat@minjust.gov.uz  
Тел/факс: 233-67-65



LexUZ — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имконини яратди.  
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz  
Тел: 236-73-96, 236-17-33





Мутолаа

## “Адолат” нашриёти

оммабоп китоблар билан

ўқувчилар назарига тушди

“АДОЛАТ” мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашр этишга ихтисослаштирилган ягона нашриёт ҳисобланади. Шу маънода унинг республикадаги нашриётлар орасида ўз ўрни ва алоҳида салмоғи бор.



“АДОЛАТ” нашриётининг жорий йилда ўқувчилар эътиборига ҳавола этган китобларининг мазмун-мундарижаси жуда кенг. Нашриёт томонидан 2013 йилнинг 9 ойи давомида 28 номда, 52 830 нусхадаги адабиёт нашр этилди. Улар орасида расмий нашрлар билан бир қаторда ҳуқуқшуносликнинг турли йўналишлари кенг ёритилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, монография ва рисолалар ҳам бор. Бундан ташқари, бугунги кунда “Адолат” нашр белгиси билан бадий-публицистик адабиётлар ҳам нашр қилинмоқда.

“Адолат” нашриёти 2009 йилдан бошлаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” — “Собрание законодательства Республики Узбекистан” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” — “Сборник международных договоров Республики Узбекистан” даврий нашрларини ҳам чоп эта бошлади. Бу эса, ўз навбатида, нашриётнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр қилишда нечоғлиқ ишончли ҳуқуқий манбаларга эга эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар, қонунчилик жараёнларининг жадал суръатлар билан ривожланиётганлиги аҳолини ҳуқуқий ахборот ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада хабардор қилиб боришни долзарб масалага айлантирмоқда. Нашриёт нашрлари, айнан шу маънода, фақатгина ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъул ходимлари, ўқув даргоҳларида таълим олаётган талаба ва ўқувчи ёшлар, ҳуқуқий мавзуларга қизиққан кишиларгина эмас, барча учун бирдек қизиқарлидир. “Адолат”нинг жорий йилда китобхоналарга туҳфа этган ҳар бир наشري шу маънода алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

2001 йил 4 январда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинган эди. Унга асосан таълим тизимидаги барча ўқув муассасаларида “Конституцияни ўрганиш махсус курси” ўқитилиши белгиланган бўлса, юридик йўналишлардаги таълим муассасаларида “Конституциявий ҳуқуқ” фани ўқитилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тавсия қилинган Озод Ҳусановнинг Бош қомусимизнинг ҳар бир бўлими, ҳар бир бобини алоҳида шарҳлаб берувчи “Конституциявий ҳуқуқ” дарслиги лотин ва кирилл алифбосларида ўқувчилар қўлига етиб бормоқда. Бундан ташқари, Ўртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир” номли маърузасининг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш мақсадида юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзо ҳаммуаллифлигидаги “Ўзбекистон конституциявий давлат сари” китоби 10 000 нусхада нашр қилиниб, ўқувчилар ҳуқмига ҳавола этилди.

Яқинда нашр этилган “Халқаро жиноят ҳуқуқи” монографиясида халқаро жиноятчилик тушунчаси ва турлари, унга қарши курашишда БМТ ва бошқа ташкилотларнинг ўрни, бу борада олимлар орасидаги баҳсли фикрлар ва бошқа ечимини кутаётган долзарб масалалар кенг ёритилган.

Шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда тайёрланган “Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари” тўплами зарур расмий манба бўлса, П.Мақамбаевнинг “Военно-политическая ситуация в Афганистане и ее влияние на пограничную безопасность государств Центральной Азии” китоби халқаро микросоғда долзарб масалалар ёритилганлиги билан аҳамиятлидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда халқаро конференцияларда тарқатишга мўлжалланган бир қатор рисолалар ҳам чоп этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят ҳамда Ҳаво кодекслари сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан нашр қилинган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Меҳнат, Солиқ, Божхона, Оила, Ҳўжалик процессуал, Фуқаролик процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари тез кунларда китобхоналар қўлига етиб боради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 65 йиллиги муносабати билан нафақат талаба ва ўқитувчилар, балки илмий тадқиқотчилар ҳамда мутахассислар — кенг китобхоналар учун мўлжалланган “Инсон ҳуқуқлари” дарслиги лотин ва кирилл алифбосларида 25 минг нусхада нашрдан чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, яқин кунларда “Актуальные вопросы разработки проекта Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности в новой редакции в контексте международного сотрудничества” китобининг III қисми, Юристар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда “Суд жараёнида сўроқ қилишнинг тактикаси ва усуллари: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси”, Мансур Юнуснинг “Ижод фалсафаси”, “Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами” сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан китоблари нашрдан чиққан бўлса, ёзувчи ва журналист Тўхтамурод Тошевнинг “Озодлик — буюк нёзмат”, Иброҳим Пайдонинг “Тавалло” китоблари ҳам нашр қилинмоқда.

“Адолат” нашриётининг нашр белгиси билан ўтган йиллар давомида чоп этилган китоблар миллий қонунчиликнинг ўзига хос қомусига айланди, десак муболага бўлмайди. Ўзига хос ва замон талабига мос сифати билан ажралиб турадиган “Адолат”нинг ҳар бир наشري китоб дўконларида ўз ўқувчисини кутиб, узоқ туриб қолмади, сабаби, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда қонунлар, ҳуқуқий билимларга эҳтиёж катта, албатта. Шу боис, “Адолат” нашриётида чоп этилган китоблар ўқувчиларини топмоқда.

Гулбахор ОРТИҚҲҲАЕВА,  
“Адолат” нашриёти муҳаррири

## Ҳуқуқий



## маслаҳатхона

Ярашув

## Қизни кечиришди

Бирок у таниш-билишлари олдида ўз обрўсини йўқотди

ЁШИ улғу одамлар инсоннинг ўнг елкасида фаришта, чап елкасида шайтон бўлади, дейишади. Фариштанинг айтганини қилсанг, ишинг бароридан келади, шайтон измига бўйсунсанг ҳаётинг ёнади. Эл-юрт олдида шарманда бўласан. Муҳаббат Қобилжонов (исм ва фамилия ўзгартириб берилмоқда) шайтоннинг йўлига кириб, таниш-билишлари олдида шарманда бўлди. У келин-ойсини билан пойтахтнинг Чорсу кийим бозорига ўзига кийим олиш учун борди. Растадаги бир қанча

кийимларни кийиб кўраётганида шайтон уни йўлдан урди. Сотувчи Муҳайё Шарипова бошқа харидорлар билан савдолашаётганидан фойдаланган Муҳаббат аёлларнинг 2 дон шимини сумкасига солди-ю, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Муҳаббат бозорда бироз юргач, келин-ойсинига қараб:

— Келин-ой, сотувчини иккита шимга “ухлатдим”, — деди.

Келин-ойсининг жаҳли чиқиб:

— Бу ишингиз яхши эмас. Сотувчи қолса

— КўЧМАС мулк ва автомобиль транспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ва уни олиб ташлаш тўғрисида маълумот берсангиз?

Шахриёр ЗИЁЕВ,  
Музработ тумани

— ҚОНУН ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда, шунингдек, банклар (бошқа кредит ташкилотлари), тегишли ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки қайта таъмирлаш ва бошқа мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида

мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус кўчмас мулкка нисбатан тақиқ қўяди ва бу ҳақда “Ерgeo-декадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлимига хабарнома юборади.

Суд, тергов, прокуратура органлари, суд ижрочилари ва нотариуслар томонидан кўчмас мулк ва автомобиль транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланганлиги ва хатланганлиги тўғрисида хабарлар тақиқлар ва хатловларни рўйхатга олиш китобига қайд этилади. Ушбу хабарлар алифбо китобига ҳам ёзиб қўйилади.

Нотариуслар тегишли ташкилотларнинг қарз ва мажбуриятлари ба-жарилганлиги ҳақида ёхуд гаров (ипотека) тўғрисидаги шартнома-

нинг бекор қилинганлиги ҳақида хабарни олганларидан сўнг кўчмас мулк ва автомобиль транспорт воситасининг бошқа шахсга ўтказилишига қўйилган тақиқни олиб ташлайди.

Нотариус суд, тергов, прокуратура органлари ва суд ижрочисининг тақиқ ва хатловининг олиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда юборган хабарномаларини олганда кейин бу ҳақда тақиқлар ва хатловларни рўйхатга олиш китобига ва алифбо китобига ёзиб қўяди.

Саволга Музработ тумани давлат нотариал идораси нотариуси Карим ҚОДИРОВ жавоб берди.



даги участка нозирини чақирди.

Ноилож қолган Муҳаббат Қобилжонов сумкаси-дан бир жуфт аёллар шимини чиқариб берди.

Ушбу воқеа юзасидан Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди.

Дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи Муҳайё Шарипова ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, ўғрилиқ содир этган Муҳаббат Қобилжоновнинг кеңири сўраган-лигини ва етказилган мод-

дий зарарни қоплаганлигини билдирди, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 61-моддаси асосида тугатишни сўради. Икки томоннинг ярашганлиги муносабати билан М.Қобилжоновга нисбатан қамқоқ жазоси қўйилмади. Шайтон измига бўйсунган М.Қобилжоновнинг таниш-билишлари олдида юзи қора, беобрў бўлгани қолди.

Хусниддин РУЗУМОВ,  
Шайхонтоҳур тумани ИИБ ТБ терговчиси

## Реклама ва эълонлар

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## “Асака” банк (ОАЖ)



Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция кун байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

## “КОНСТИТУЦИЯ — 2013”

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади. Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.



Мурожаат учун  
“Асака” банк  
(ОАЖ)  
филиаллари  
телефонлари:  
120-39-81,  
120-39-60,  
120-39-63.

## Филиаллар

Тошкент шаҳар филиали  
Автотранспорт филиали  
Шайхонтоҳур филиали  
Юнусовод филиали  
Сирғали филиали  
Тошкент вилоят филиали  
Андижон вилоят филиали  
Асака филиали  
Фарғона вилоят филиали  
Марғилон филиали  
Олтириқ филиали  
Қўқон филиали

## Код Телефонлар

371 120-83-13  
371 120-39-95  
371 140-39-36  
371 221-80-67  
371 258-67-49  
371 120-84-13  
374 224-40-96  
374 233-13-69  
374 226-97-53  
373 224-70-83  
373 237-12-37  
373 432-10-11  
373 552-61-04

## Филиаллар

Наманган вилоят филиали  
Навоий вилоят филиали  
Зарафшон филиали  
Бухоро вилоят филиали  
Бухоро шаҳар филиали  
Самарқанд вилоят филиали  
Афросиёб филиали  
Қашқадарё вилоят филиали  
Сурхондарё вилоят филиали  
Қорақалпоғистон филиали  
Хоразм вилоят филиали  
Сирдарё вилоят филиали  
Жиззах вилоят филиали

## Код Телефонлар

369 226-94-75  
436 223-54-32  
436 573-18-78  
365 223-71-94  
365 770-11-27  
366 231-08-86  
366 221-77-56  
375 221-12-93  
376 770-82-12  
361 770-60-59  
362 226-97-78  
367 225-44-03  
372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

## Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

## ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Мамлакат ички ахборот  
системалари  
0081-роқим билан  
рўйхатга олинган

## Бош

муҳаррир:  
Кўчкор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Маяжуда  
Абдуллаева  
Кўчкор Тоғаев  
Турсунов Тўлқин Мирзиевич

Очилов Алижон Мухлисевич  
Султонов Алимул  
Тошбекович  
Мамадалиев Зайнабдин Очилович

## Навбатчи:

Ербек  
ИСКАНДАРОВА  
Саҳифаловчи-  
дизайнер:  
Тўлқин  
РАУПОВ

## Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида термиди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Буюртма 1-8535. Тиражи — 16671. ЎЗА яқини — 21,20 Тошпирилди — 21,20

## МАНЗИЛИМИЗ:

100047, Тошкент ш.  
Сайлигоҳ кўчаси-5.  
Тел: 233-95-31.  
Факс: 233-84-50

Баҳосин келтирилган нархда  
1 2 3 4 5